

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

Тошкент вилояти жиноят ишлари бўйича Юқоричирчиқ туман суди,
2026 йил январь ойининг 16 куни ўз биносида, очик суд мажлисида

Раислик қилувчи: Х.Хотамов

Судья ёрдамчиси Н.Артикбаеванинг котибалигида, тарафлардан давлат айбловчиси Тошкент вилояти Юқоричирчиқ туман прокурори катта ёрдамчиси Ж.Баходиров, судланувчи Б. [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси адвокат М.Хамидова, вояга етмаган жабрланувчи Т.Махмуджонов ва унинг қонуний вакили У.Исмаилов, фуқаровий даъвогарлар С.Сайдуллаев ва А.Гайбназаровларнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 266-моддасининг 1-қисми билан айбланаётган:

[REDACTED]) 13.02.1990 йил Ўзбекистон Республикасида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, судланмаган, маълумоти ўрта, оилали уч нафар фарзанди бор, Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани, Чуст кўприк маҳалласи, Юксалиш кўчаси 25-уйда истиқомат қилади, айблов далолатномаси нусхасини 2025 йил 1 декабрь куни олган, иш бўйича “муносиб ҳулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилганга

оид 1-1117-2501/306-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Суд, судланувчи ва жабрланувчиларнинг кўрсатмаларини тинглаб, тарафларнинг музокара нутқларини, судланувчининг ҳимоя ва охириги сўзларини тинглаб, жиноят иши материалларини ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона текшириб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

[REDACTED] ” русумли давлат белгиси 50U980QA бўлган автомашинасида, Юқоричирчиқ тумани ҳудудидан ўтган “Олмалиқ-Тошкент” автомобил йўлининг 11 км.да йўналишини ўзгартирмоқчи бўлиб ҳаракатланаётган вақтида амалдаги “йўл ҳаракатлари қоидалари”нинг 4-бандида кўрсатилган, яъни “йўл ҳаракати қатнашчилари бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳаракатланишига хавф туғдирмасликлари керак”лиги, хавф юзага келса, транспорт воситасининг тезлигини у тўла тўхтатиши, 77-бандида кўрсатилган, яъни “Хайдовчи ҳаракатланишнинг серқатновлигини, транспорт воситасининг ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, шунингдек ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олиб транспорт воситасини белгиланган тезликдан



оширмаган холда хавфсизликни таъминловчи тезлик билан бошқариши кераклиги, хайдовчи транспорт воситасини бошқариш пайтида аниқлай олиши мумкин бўлган хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини тўлиқ таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган холда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак”лиги кўрсатиб ўтилган бўлишига қарамасдан у мазкур йўл ҳаракати қоидаларига зид равишда ҳаракатланиб, ўзи билан бир йўналишда ҳаракатланиб келаётган фуқаро Сайдуллаев Саид Абдулбори бошқарувида бўлган “Дамас” русумли давлат белгиси 50L071RA бўлган автомашинани орқа қисмидан уриб юбориши оқибатида, ўз навбатида “Дамас” автомашинаси олд қисмида тўхтаб турган, фуқаро А.Ғоибназаров бошқарувида бўлган “Коболт русумли давлат белгиси 10B459NB бўлган автомашинага урилиши натижасида йўл транспорт ходисасини содир этган.

Йўл транспорт ходисаси натижасида “Дамас” русумли автомашина йўловчиси 2011 йилда туғилган Махмуджонов Толиббой Аъзам ўғли тан жароҳати олиб, олган тан жароҳатлари билан тиббиёт бирлашмасига муурожаат қилган.

Судга оид тиббий экспертизанинг 07.10.2025 йилдаги 947-Т-сонли хулосасига кўра, Т.Махмуджоновнинг танасида “орқа мия ёпиқ жароҳати, VС7-умуртқа суяги ўсиғини ёпиқ силжиб синиши, орқа мия функциясининг бузилмаганлиги билан, бел ва бўйин соҳа юмшоқ тўқималари лат ейиши” каби тан жароҳатлари борлиги, жароҳатлар ўтмас қаттиқ жисм таъсирида етказилганлиги, муддати кўриқдан ўтувчининг айтган ва қарорда кўрсатилган вақтга тўғри келиши, йўл транспорт ходисаси натижасида келиб чиқиши инкор этилмаслиги, белгисига кўра Ўрта оғирликдаги тан жароҳатлари тоифасига кириши кўрсатиб ўтилган.

Судга оид автотехника экспертизасининг 25.09.2025 йилдаги 597-сонли хулосасига кўра, қарорда келтирилган тўқнашувнинг дастлабки вақтида Исузи русумли автомашинасининг олд қисми Дамас русумли автомашинасининг орқа ўнг қисмига теккан ва бу вақтда уларнинг бўйлама уқлари орасидаги масофа 5+_3 даража атрофида бўлганлиги, тўқнашувлар вақтида Исузи ва Дамас русумли автомашиналари биринчи тўқнашувидан сўнг, Дамас русумли автомашинаси Собалт русумли автомашинанинг орқа қисми билан тўқнашганлиги, ЙТХ вақтида Исузи автомашинаси хайдовчқисининг ҳаракатлари амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари” нинг 4-банди талабларига зид бўлганлиги, ҳамда 77-бандида кўрсатилган, яъни “Хайдовчи ҳаракатланишнинг серқатновлигини, транспорт воситасининг ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, шунингдек ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олиб транспорт воситасини белгиланган тезликдан оширмаган холда хавфсизликни таъминловчи тезлик билан бошқариши кераклиги, хайдовчи транспорт воситасини бошқариш пайтида аниқлай олиши мумкин бўлган хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини тўлиқ таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган холда айланиб ўтиш



чораларини кўриши керак”лиги бу ходисанинг келиб чиқиши билан сабабий боғланишда эканлиги кўрсатиб ўтилган.

“Амир авто баҳолаш” ташкилотининг хулосасига кўра “Дамас” автомашинасига ЙТХ натижасида жами 23.142.800 (йигирма уч миллион бир юз қирқ икки минг саккиз юз сўм) моддий зарар етказилганлиги ҳамда баҳолаш хизмати учун 800.000 сўм тўланганлиги кўрсатиб ўтилган.

“Амир авто баҳолаш” ташкилотининг хулосасига кўра “Собалт” автомашинасига ЙТХ натижасида жами 13.442.705 (ўн уч миллион тўрт юз қирқ икки минг етти юз беш сўм) моддий зарар етказилганлиги ҳамда баҳолаш хизмати учун 600.00 сўм тўланганлиги кўрсатиб ўтилган.

Суд мажлисида судланувчи [REDACTED], ўзига эълон қилинган айбга тўлиқ иқроор эканлигини билдириб, ҳақиқатдан ҳам 2025 йил 04 август куни эрталаб соат тахминан 06:30 ларда бошқарувидаги “Исузи” русумли давлат рақам белгиси 50U980QA бўлган юк автомашинасида йўловчисиз Юқоричирчиқ тумани худудидан ўтган Олмалик-Тошкент автомобил йўлининг 11 км.да 65 км соат тезликда йўлнинг ўнг бўлагидан ҳаракатланиб кетаётганида, йўлнинг ўнг бўлагидан юк автомашинаси унинг бўлагига ўтаётганини кўриб, у автомашинасини йўлнинг чап бўлагига олаётган вақтида ўзи билан бир йўналишда ҳаракатланиб кетаётган Дамас русумли давлат белгиси 50L071RA бўлган автомашинанинг ўнг орқа бурчагига бориб урилганлигини, ўзи йўлнинг ўнг чеккасига бориб тўхтаганлигини, бориб урилиши натижасида Дамас русумли автомашина олди томонида тўхтаб турган “Кобалт” русумли давлат рақам белгиси 10B459NB бўлган автомашинага бориб урилганлигини ва натижада йўл транспорт ходисаси содир бўлганлигини, “Дамас” автомашинасини ичида бир нафар йўловчиси, яъни 2011 йилда туғилган Махмуджонов Толиббой Аъзам ўғли тан жароҳати олганлигини ва тезёрдам хизматини чақирганликларини, улар етиб келгач биринчи ёрдамни кўрсатишганлигини, бироздан сўнг ходиса жойига ИИБ ЙҚХБ ходимлари келиб бўлган ҳолатни ўрганиб чиқишиб керакли ҳужжатларни расмийлаштиришганлигини, ушбу йўл транспорт ходисасидан сўнг ёрдам кўрсатиб автомашинадан туширганлигини, сўнг атрофда тўпланган одамлар уларни йўловчи автомашинада шифохонага олиб кетишганлигини, орадан 20-30 дақиқа ўтиб ходиса жойига ЙҚХБ ходимлари келиб ҳужжатларни расмийлаштиришганлигини, автохалокатдан сўнг тан жароҳати олган жабрланувчи Т.Махмуджоновга даволаниши учун дори дармонларига моддий ёрдам берганлигини, лекин Дамас ва К обалт автомашиналарига етказилган моддий зарарни қоплашга моддий имконияти йўқлигини, кейинчалик суғурта орқали ушбу моддий зарарларни қоплаб беришини, қилмишидан пушаймонлигини, уни оилавий ахволи ва моддий шароитини инобатга олиб, енгиллик беришни сўраб, кўрсатув бериб ўтди.

Судланувчи [REDACTED] г айби ўзининг кўрсатмаларидан ташқари, жинойт тафсилотларини батафсил ёритиб берган жабрланувчиларнинг кўрсатувлари билан ҳам тўлиқ тасдиқланган, жумладан:



Суд мажлисида фуқаровий даъвогар тариқасида сўроқ қилинган

_____ қуйидагиларни, яъни у 2025 йил 04 август куни Наманган шаҳридан Тошкент шаҳрида яшовчи акаси Н.Сайдуллаевнинг уйига бориш учун эрталаб соат тахминан 01.30 ларда Дамас русумли давлат белгиси 50L071RA бўлган автомашинасида жияни Махмуджанов Толиббой Азам ўғли билан йўлга чиққанликларини, соат тахминан 06.00 лар атрофида Охангарон туманидан Тошкент шаҳрига кириб келиш йўли яъни Олмалик-Тошкент автомобил йўлининг 11 км.да 75 км/соат тезликда йўлнинг ўнг бўлагидан ҳаракатланиб кетаётганида у билан бир йўналишда ҳаракатланиб кетаётган “Исузи” русумли давлат рақам белгиси “50U980QA” бўлган юк автомашина йўналишини ўзгартирмоқчи бўлиб, унинг автомашинасига кучли зарба билан келиб урилганлигини, кучли зарба натижасида ўзи хушини йўқотиб, айнан нима ҳолат бўлганини эслай олмаслигини, атрофда йиғилган одамлар уларни автомашинадан тушуриб олишгандан сўнг нима бўлганини суриштириб билганлигини, ушбу йўл транспорт хожисаси натижасида “Исузи” русумли давлат рақам белгиси 50U980QA бўлган юк автомашинаси кучли зарба билан урилгандан сўнг уни бошқарувидаги Дамас автомашинамсиағдарилиб кетиб, йўлда қайрилиб олиш учун турган “Кобалт” русумли давлат рақам белгиси 10B459NB бўлган автомашинанинг орқа чап томонига бориб урилганлигини билганини, ушбу йўл транспорт ходисаси натижасида жияни Т.Махмуджонов тан жарохати олганлиги ва унга тегишли Дамас автомашинасига 23.142.800 сўм миқдорида моддий зарар етказилгалиги ҳамда баҳолаш хизмати учун 800.000 сўм тўланганлигини, ушбу моддий зарарни судланувчидан ундиришни сўраб, кўрсатувини бериб ўтди.

Суд мажлисида фуқаровий даъвогар тариқасида сўроқ қилинган

_____ 04 август куни соат тахминан 06.00 ларда бошқарувидаги “Кобалт” русумли, давлат рақам белгиси 10B459NB бўлган автомашинада тоғам Умиров Рахимжон Худайбергановични яшаш хонадонидан олиб, Қўқон шаҳрига муолажа олиш учун Ангрен шаҳар орқали йўлга чиқмоқчи бўлиб, “Олмалик-Тошкент” автомобил йўлининг 11 км. оралиғидаги йўл четидаги пропан заправкасида автомашинасига ёқилғи қуйиб олиб, йўлнинг чап бўлагидан орқага бурилиш жойида чеккароқда автомашиналар ўтиб кетишини кутиб тўхтаб турган вақтида “Дамас” русумли давлат белгиси 50L071RA бўлган автомашина орқа чап ён қисмига кучли зарба билан келиб урилганлигини, ушбу тўқнашув натижасида автомашинанинг орқа қисмига техник шикаст етганлигини, у автомашинадан тушиб нима бўлганлигини кўрганида “Дамас” русумли давлат белгиси 50L071RA бўлган автомашинанинг орқа қисмидан “Исузи” русумли давлат рақам белгиси 50U980QA бўлган автомашина келиб урилган бўлиб, натижада “Дамас” русумли давлат белгиси 50L071RA бўлган автомашина ағдарилиб кетиб, унинг автомашинасига келиб урилганлигини билганлигини, йўл транспорт ходисаси бўлишига асосий сабабчи “Исузи” русумли давлат рақам белгиси



50U980QA бўлган юк автомашина эгаси эканлигини билганлигини, унга тегишли “Кобалт” русумли, давлат рақам белгиси 10B459NB бўлган автомашинасига 13.442.705 сўм миқдоридан моддий зарар етказилгалиги ҳамда баҳолаш хизмати учун 600.000 сўм тўланганлигини, ушбу моддий зарарни судланувчидан ундиришни сўраб, кўрсатувини бериб ўтди.

Суд мажлисида қонуний вакили С.Исмаиловнинг иштирокида сўроқ қилинган вояга етмаган жабрланувчи [REDACTED] куйидагиларни, яъни у 2025 йил 04 август куни Наманган шаҳридан Тошкент шаҳрида яшовчи тоғасининг ўғиллари, яъни акаси Сайдуллаев Нуруллох Убайдулло ўғлиникига меҳмонга соат тахминан 01.30 ларда акаси С.Сайдуллаев билан унинг “Дамас” русумли давлат белгиси 50L071RA бўлган аавтомашинасида йўлга чиққанликларини, соат тахминан 06.00 лар атрофида Охангарон туманидан Тошкент шаҳрига кириб келиш йўли яъни Олмалиқ-Тошкент автомобил йўлининг 11 км.да 75 км соат тезликда йўлнинг ўнг бўлагидан ҳаракатланиб кетаётганида улар билан бир йўналишда ҳаракатланиб кетаётган “Исузи” русумли давлат рақам белгиси 50U980QA бўлган юк автомашина йўналишини ўзгартирмоқчи бўлиб, акасининг автомашинасига кучли зарба билан келиб урилганлигини, зарба натижасида у хушини йўқотиб, нима ҳолат бўлганини эслай олмаслигини, шу ерда йиғилган фуқаролар уларни автомашинадан тушуриб олишганидан сўнг уни касалонага жўнатишганлигини, ушбу йўл транспорт ходисаси натижасида тан жароҳати билан касалхонада даволаниб чиққанлигини, судланувчи Б.Урунов томонидан уни даволаниши учун кетган барча харажатларни қоплаб берганлигини, судлаунвчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини билдириб, кўрсатувини бериб ўтди.

Суд мажлисида вояга етмаган жабрланувчининг қонуний вакили тариқасида сўроқ қилинган [REDACTED] куйидагиларни, яъни ушбу жиноят иши юзасидан вояга етмаган жабрланувчи Т.Махмуджонов унинг жияни эканлигини, жиянининг сўзларидан билишича, 2025 йил 4 апрель куни улар ўтирган автомашина йўл транспорт ходисасига учраганлигини ва жияни тан жароҳати олганлигини эшитиб билганлигини, судланувчи Б.Урунов жияни Т.Махмуджоновнинг даволаниши учун барча моддий зарарларни қоплашганлигини ва судланувчига нисбатан даъвоси йўқлигини, Б.Уруновга енгиллик беришни сўраб, кўрсатув бериб ўтди.

Судланувчи [REDACTED] содир этган жиноятдаги айби жабрланувчиларнинг кўрсатмаларидан ташқари, чизма ва фотосурат, тиббий маълумотнома, суд тиббий экспертизаси хулосаси, баҳолаш хулосаси, судга оид автотехника экспертизаси хулосаси ҳамда жиноят ишида тўпланган ҳолисона ҳамда бошқа объектив далиллар билан ҳам тўлиқ тасдиқланади.

[REDACTED] жиноий ҳаракатларини юридик квалификациясини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан унинг “транспорт воситасининг бошқарувчи шахс томонидан транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш ҳавфсизлиги қоидаларини



бузиш баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлиш”да ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 266-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 13-моддасида, “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий кадрият ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 14-моддасида, “Давлат ўз фаолиятини инсон фаровонлигини ва жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида қонунийлик, ижтимоий адолат ва бирдамлик принциплари асосида амалга оширади” деб белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 20-моддаси 2-қисмида, “Инсоннинг Конституция ва қонунларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас”лиги кўрсатилган. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 26-моддаси 2-қисмида, “Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон қадр-қимматини камситувчи муомалага ёхуд жазога дучор этилиши мумкин эмас”лиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 28-моддаси 1-қисмида, “Жиноят содир этганликда айбланаётган шахс унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда ошқора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланади. Айбланувчига ўзини ҳимоя қилиш учун барча имкониятлар таъминланади” деб;

- 2-қисмида, “Айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши керак”лиги;

- 7-қисмида, “Шахснинг судланганлиги ва бундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклаш учун асос бўлиши мумкин эмас”лиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 29-моддасида, “Ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларнинг ҳуқуқлари қонун билан муҳофаза қилинади. Давлат жабрланганларга ҳимояланишни ва одил судловдан фойдаланишни таъминлайди, уларга етказилган зарарнинг ўрни қопланиши учун шарт-шароитлар яратади”, деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 30-моддасида, “Ҳеч ким расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳукм қилиниши, жазога тортилиши, мол-мулкдан ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас.

Ҳеч ким айти бир жиноят учун такроран ҳукм қилиниши мумкин эмас”лиги кўрсатилган.



Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 7-моддасида “Жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон кадр-кимматини камситиш мақсадини кўзламаслиги;

- жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги;

- жазолашдан кўзланган мақсадга ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддаларида назарда тутилган енгилроқ чораларни қўллаш орқали эришиб бўлмайдиган тақдирдагина оғирроқ жазо чоралари тайинланиши мумкин”лиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 8-моддасининг 1-қисмида “Жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилona бўлишлиги, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак”лиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 1-бандида “судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратишлари лозим”лиги, 3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”лиги ҳақида тушунтириш берилган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги 7-сонли “Суд ҳукми тўғрисида”ги қарорининг 28-бандида “Судларнинг эътибори, ҳукм чиқаришда уларнинг жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисидаги қонун талабларига оғишмай риоя қилиш шартлиги, жиноят қонунининг асосий тамойилларидан бири инсонпарварлик тамойили эканлиги ва унинг мазмунига кўра жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклигига қаратилиши лозим”лиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, юқоридаги Конституция, Қонун ва Пленум қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 54, 55 ва 56-моддалари талабларига риоя қилиб, судланувчи [REDACTED] вга нисбатан жазо тури ва меъёрини тайинлашда содир этган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олиш билан бирга, шунингдек содир этилган жинояти унинг бепарволиги ва эҳтиётсизлиги оқибатида содир қилган деб ҳисоблаб, унинг айбига тўлиқ иқроп бўлиб, қилмишидан чин



кўнгилдан пушаймонлигини, оилавий ва мулкый шароитини, шахсини, аёл эканлигини, муқаддам судланмаганлигини, жабрланувчига етказилган моддий зарар қисман қопланганлигини ҳамда жазони енгиллаштирувчи бошқа ҳолатларни эътироф этиб, зотан, суд, фуқаровий даъвогарларнинг даъвоси борлигига ва етказилган моддий зарар тўлиқ қопланмаганлигига ўзини ҳуқуқий баҳосини беради, шу аснода жазо тайинлашнинг баҳолаш мезонидан ва юқорида қайд этилган асослардан келиб чиқиб, у айбли деб топилаётган модда санкциясида назарда тутилган муайян ҳуқуқдан, яъни транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳамда ахлоқ тузатиш ишлари жазоларини тайинлашни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2016 йил 27 декабрдаги 26-сонли “Жиноят натижасида етказилган мулкый зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 9-бандида “Мулкый зиён етказилган ҳар бир жиноят иши бўйича ҳукм чиқарилаётганда, суд фуқаровий даъвони ҳал этиши, даъво қўзғатилмаган бўлса, мулкый зиённи қоплаш масаласини ўз ташаббуси билан муҳокама қилиши лозим. Бунда иш материалларида хатланган мол-мулкнинг йўқлиги мулкый зиённи қоплаш тўғрисидаги масалани кўрмасдан қолдириш учун асос бўла олмайди, чунки бундай мол-мулк ҳукм ижроси жараёнида ҳам аниқланиши мумкин. Фуқаровий даъвони ҳал этишда суд ЖПК 467-моддасига мувофиқ айблов ҳукмининг тавсиф қисмида даъвони тўла ёки қисман қаноатлантириш ёхуд рад этиш асосларини, жиноят натижасида етказилган мулкый зиён хусусияти ва миқдорини кўрсатиши, шунингдек, мулкый зиён миқдорига тегишли ҳисоблаш яқунларини келтириши ҳамда фуқаровий даъвони ҳал қилиш учун асос қилиб олинган қонун нормасини қайд этиши лозим”лиги қайд этилган.

Шунга кўра, суд етказилган моддий зарар масаласини муҳокама қилиб, судланувчи Б. [REDACTED], жумладан фуқаровий даъвогар Сайдуллаев Саид Абдулбори Убайдулло ўғли фойдасига автомашинасига етказилган 23.142.800 сўм ва баҳолашга сарфланган 800.000 сўм, яъни жами 23.942.800 сўм миқдориди ҳамда фуқаровий даъвогар Гайбназаров Абдурахмон Саидович фойдасига эса автомашинасига етказилган 13.442.705 сўм ва баҳолашга сарфланган 600.000 сўм миқдориди, яъни жами 14.042.705 сўм миқдориди моддий зарарларни ундиришни лозим деб ҳисоблайди.

Шунингдек, суд, жабрланувчининг қонуний вакили У.С.Исмаиловнинг судланувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги ҳақидаги судга тақдим этган аризасини инобатга олади.

Бундан ташқари, манфаатдор тарафларга келгусида жиноят натижасида уларга етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан қонуний масалалар келиб чиққан ҳолда, судланувчининг яшаш манзили бўйича судга ёхуд тегишли тартибларда бошқа фуқаролик ишлари бўйича судларига мурожаат қилиш ҳуқуқи сақланганлигини, шунингдек мазкур ҳуқуқларга ҳақли ва эга эканликларини тушунтиришни лозим топади.



Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят протсессуал кодекси 13, 454-457, 463, 465-468, 471-473-моддаларига мувофиқ, суд

ҲУКМ ҚИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин,

билан **1 (бир) йил** муддатга барча турдаги автотранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилиб, иш ҳақининг **15 фоизини** давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда **1 (бир) йил 6 (олти) ой** муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 61-моддасининг 2-қисмига асосан ҳар қайси жазолар алоҳида ижрога қаратилсин.

Қўшимча жазо тариқасида тайинланган муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосини ижросини таъминлаш ушбу жазони назорат қилувчи органлар зиммасига юклатилсин ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 45-моддасининг 4-қисми талабларига асосан мазкур жазони ўташ муддати ҳукм қонуний кучга кирган вақтдан бошлаб ҳисоблансин.

Жазони ижро этиш ва ижросини назорат қилиш Б.Урунов доимий рўйхатдан ўтган Наманган вилоят Тўрақўрғон тумани ИИБнинг Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

сбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

фуқаровий даъвогар Сайдуллаев Саид Абдулбори Убайдулло ўғли фойдасига 23.942.800 (йигирма уч миллион тўққиз юз қирқ икки минг саккиз юз) сўм моддий зарар ундирилсин.

Судланувчи фуқаровий даъвогар Гайбназаров Абдурахмон Саидович фойдасига 14.042.705 (ўн тўрт миллион қирқ икки минг етти юз беш) сўм моддий зарар ундирилсин.

Жабрланувчининг қонуний вакили У.С.Исмаиловнинг судланувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги ҳақидаги судга тақдим этган аризаси инобатга олинсин.

Манфаатдор тарафларга келгусида келгусида жиноят натижасида уларга етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан қўшимча қонуний масалалар келиб чиққан ҳолда, судланувчининг яшаш манзили бўйича ёхуд тегишли тартибларда бошқа фуқаролик ишлари бўйича судларига мурожаат қилиш ҳуқуқи сақланганлиги, шунингдек мазкур ҳуқуқларга ҳақли ва эга эканликлари тушунтирилсин.



Хукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, маҳкум томонидан эса унга ҳукмнинг нусхаси (ҳукмдан кўчирма нусхаси) топширилган кундан эътиборан шундай муддат ичида ушбу суд орқали Тошкент вилоят судининг жиноят ишлари бўйича апелляция судлов ҳайъатига, ҳукм қонуний кучга киргандан кейин, Тошкент вилоят судининг жиноят ишлари бўйича кассация судлов ҳайъатига шикоят бериши ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

Х.Х.Хотамов

